



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 8 - sentabr

VI-71-181-7-0-K/22

Samarqand viloyat hokimligi

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-K/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетнинг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2022 йил 7 июндаги (01/28-01-01-34/539-сон, 06-76/КХ-сон) қўшма хатларини ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураковнинг билдиргилари ва вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 2 августдаги (01/04-38/544-сон) хулосасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ, етмиш биринчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги VI-53-126-7-0-K/21-сонли қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари билан биргаликда, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларини 2-иловага мувофиқлаштиришни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқсинлар.

3. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил харажатлари режасига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” МЧЖ (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон”, “Самарқандский вестник”, “Овози Самарқанд” газеталарида чоп этилишини ҳамда Lex.uz

– Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ўрнатилган тартибда жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) зиммаларига юклансин.

Сессия раиси



З Каримов

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 8 sentabrdagi
VI-71-181-7-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2021 йил
30 декабрдаги VI-53-126-7-0-K/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетнинг
2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда
2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-иловада:

а) “Харажатлар миқдори, жами” позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

		минг сўмда
Харажатлар миқдори, жами		2825315976.0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1198410557.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	455776161.0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1171129258.0

“

б) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.	Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	618721111.0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	541721111.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	77000000

“

2. 4-иловада:

а) 5 позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

5	Жомбой тумани	10	10	100	100	40	15	100	100
---	------------------	----	----	-----	-----	----	----	-----	-----

“

б) 16 позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

16	Тойлоқ тумани	100	100	20	100	45	50	100	100
----	------------------	-----	-----	----	-----	----	----	-----	-----

“

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 8 sentabrdagi
VI-71-181-7-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан (тиббиёт бирлашмалари
маблағлари) вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтказиладиган қисмлари
бўйича**

МАЪЛУМОТ

№	Шаҳар ва туманлар номи	Туман (шаҳар) ТТБ марказлашган тартибда жамланган маблағ	Шундан
			Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтказиладиган маблағ
	Самарқанд вилояти	43 162 199,0	16 065 200,0
1	Самарқанд шаҳар	6 889 370,0	2 565 200,0
2	Каттақўрғон шаҳар	1 070 000,0	400 000,0
3	Оқдарё туман	1 651 250,0	600 000,0
4	Булунғур туман	2 300 000,0	900 000,0
5	Жомбой туман	1 904 890,0	700 000,0
6	Иштихон туман	2 569 660,0	1 000 000,0
7	Каттақўрғон туман	3 103 460,0	1 150 000,0
8	Қўшрабат туман	1 356 510,0	550 000,0
9	Нарпай туман	2 692 000,0	1 000 000,0
10	Пайариқ туман	2 591 176,0	950 000,0
11	Пастдарғом туман	3 600 000,0	1 350 000,0
12	Пахтачи туман	1 440 668,0	390 000,0
13	Самарқанд туман	2 629 570,0	1 000 000,0
14	Нуробод туман	1 507 135,0	560 000,0
15	Ургут туман	5 505 950,0	2 100 000,0
16	Тойлоқ туман	2 350 560,0	850 000,0